



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 7 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
ТОМ 8, НОМЕР 7

LOOK TO THE PAST  
VOLUME 8, ISSUE 7



ТОШКЕНТ-2025

**Бош мухаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош мухаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчехра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети

**Аминова Азиза Марксовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Навоий давлат педагогика институти

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент ирригация ва кишлок  
хужалигини механизациялаш  
мухандислари институти  
Миллий тадқиқот университети

**Худайқулов Тулқин Дўстбоевич**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Шаҳрисабз дала педагогика институти

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қариши давлат техника университети

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Қариши давлат университети

**Махкамова Надира Рахмановна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Абдуллаева Яхшибека Агамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодири Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Андижон давлат университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Санкт-Петербург Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Қозогистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Қозогистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Тожибоев Музаффар Турдибоевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ИИВ Академияси

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Сайнова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор  
Ўзбекистон Миллий университети

**Таниева Гулдона Мамановна**  
тарих фанлари доктори, в.б.профессор,  
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий  
педагогика университети

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайдон давлат  
иқтисодиёт университети

**Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Гулистон  
давлат педагогика институти

**Нуруллаева Шоира Кушназаровна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Урганч давлат университети

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети  
**Масъул котиб**

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Джоробекова Айнур Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозогистон дипломатия академияси

**Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исаков Бахадир Нигматуллаевич**  
тарих фанлари номзоди,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Холмуродов Дилшод Рашидович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Жиззах давлат  
педагогика университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети  
**Масъул котиб**

**Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент,  
Наманган давлат университети

**Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент,  
Наманган давлат университети

**Алимардонов Отабек Қудратович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доценти  
Ўзбекистон Миллий университети


<b>1. Юлдуз Эргашева</b> ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ НА ТЕРРИТОРИИ УЗБЕКИСТАНА В ГОДЫ II МИРОВОЙ ВОЙНЫ.....	5
<b>2. Nilufar Djurayeva</b> O‘ZBEKISTON TARAQQIYOTINING YANGI BOSQICHDA XOTIN-QIZLARGA MUNOSABAT MASALASIDAGI TUB ISLOHOTLARNING USTUVOR YO‘NALISHLARI..	13
<b>3. Камола Саипова</b> НАЦИОНАЛЬНО-ГОСУДАРСТВЕННОЕ РАЗМЕЖЕВАНИЕ И ЕГО ВОЗДЕЙСТВИЕ НА ФОРМИРОВАНИЕ НАЦИОНАЛЬНОГО СОСТАВА УЗБЕКСКОЙ ССР.....	26
<b>4. Отабек Алимардонов</b> ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ТЎРТ КВАДРАНТИ (ЧОРАК) ПАРАДИГМАСИ: НАЗАРИЙ ТИПОЛОГИЯ ВА ЎЗБЕКИСТОН АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ.....	34
<b>5. Zilola Abdualimova</b> SOVET PLAKATLARI TARG‘IBOT VOSITASI SIFATIDA (MIRZACHO‘LNI O‘ZLASHTIRISH MISOLIDA).....	45
<b>6. Шерзод Бахранов</b> ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ПАХТАЧИЛИК ИLMИЙ – ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН.....	52
<b>7. Abduvali Berdiyev</b> SHARQIY TURKISTON BILAN SAVDO ALOQALARINING RIVOJLANISHIDA QO‘QON KARVON YO‘LLARINING O‘RNI VA ULARNING MINTAQAVIY IQTISODIYOTGA TA‘SIRI (18–19-ASRLAR).....	58
<b>8. Икрамжон Исмаилов</b> ФАРҶОНА ВОДИЙСИ ВИЛОЯТЛАРИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДАГИ МУАММО ҲАМДА ЎЗГАРИШЛАР (1991-2020 йй).....	69
<b>9. Земфира Курбанова</b> ЦИКЛЫ ПОМИНОВЕНИЯ В СЕМЕЙНЫХ ОБРЯДАХ КАРАКАЛПАКОВ И ИХ ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКИЕ ПАРАЛЛЕЛИ.....	80
<b>10. Tamara Ro‘ziyeva</b> MIRZO SIROJIDDIN HAKIMNING “TUHAFI AHLI BUXORO” ASARIDA TURKISTON JAMIYATI HAQIDA.....	87
<b>11. Sarvinoz Toshmurodova</b> MILLIY SPORT TIZIMI VA OLIMPIYA HARAKATI: O‘ZBEKISTON TAJRIBASI.....	92
<b>12. Elyor Hojamberdiyev</b> TURON ARXELOGIYASINI O‘RGANISHDA YONDASHUV VA TADQIQOT USULLARI (ERON OLIMLARI MISOLIDA).....	99



**Икромжон Исмаилов,**  
Наманган давлат техника университети  
“Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси  
ikromjon4242@gmail.com

### **ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ВИЛОЯТЛАРИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДАГИ МУАММО ҲАМДА ЎЗГАРИШЛАР (1991-2020 йй)**

**For citation:** Ikromjon Ismailov. PROBLEMS AND CHANGES IN THE TRAINING OF PERSONNEL IN THE FIELD OF HIGHER EDUCATION IN THE FERGANA VALLEY REGIONS (1991-2020). Look to the past. 2025, vol. 8, issue 7, pp.69-79

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.16755289>

#### **АННОТАЦИЯ**

Мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг Фарғона водийси вилоятларида олий таълим соҳасида кадрлар тайёрлаш борасида юз берган ўзгаришлар, мавжуд муаммолар ҳақида фикр юритилган. Шунингдек Фарғона водийсининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ёшларни олий таълим муассасаларига қамраб олиш кўрсаткичлари республикадаги ўртача кўрсаткичларга таққослаш орқали бу соҳадаги ҳолат тадқиқ қилинган.

1991-2016 йилларда Фарғона водийси вилоятлари олий таълим муассасаларида бир қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилганлигига қарамай, олий маълумотли кадрлар тайёрлаш борасидаги муаммолар кўрсатиб берилган. 2017 йилдан бошланган кенг қамровли ислохотлар, айнан олий таълим тизимида қабул параметрларини кўпайтириш, ўқишга кириш имкониятини оширилиши, бундан ташқари республикада бўлганидек, Фарғона водийси вилоятларида ҳам янги олий таълим муассасаларини очиш орқали таълим муассасалари сонининг кўпайиши водий вилоятлари ёшларини олий таълим олиш имкониятларини кенгайтирганлиги асосланган.

**Калит сўз:** Олий таълим, олий таълимга қамраб олиш, квота, бакалавр, магистратура, таълим дастури.

---

**Икромжон Исмаилов,**  
Наманганский государственный технический университет  
Старший преподаватель кафедры Социальных наук  
ikromjon4242@gmail.com

### **ПРОБЛЕМЫ И ИЗМЕНЕНИЯ В ПОДГОТОВКЕ КАДРОВ В СФЕРЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В РЕГИОНАХ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ (1991-2020 гг.)**

#### **АННОТАЦИЯ**

В статье рассматриваются изменения и существующие проблемы в подготовке кадров в сфере высшего образования в регионах Ферганской долины Узбекистана за годы независимости. Также, исходя из специфических особенностей Ферганской долины, изучена

ситуация в этой сфере путем сравнения показателей охвата молодежи высшими учебными заведениями со средними показателями по республике.

Несмотря на то, что в высших учебных заведениях регионов Ферганской долины в 1991-2016 годах был реализован ряд позитивных изменений, были выявлены проблемы в подготовке кадров высшей школы. Утверждается, что широкомасштабные реформы, начатые в 2017 году, а именно расширение параметров приема в систему высшего образования, расширение доступа к образованию, увеличение количества учебных заведений за счет открытия новых высших учебных заведений в регионах Ферганской долины, как и в республике, расширили возможности получения высшего образования для молодежи регионов долины.

**Ключевые слова:** Высшее образование, охват высшим образованием, квота, бакалавриат, магистратура, образовательная программа.

**Ikramjon Ismailov,**  
Namangan State Technical University  
Senior Lecturer at the Department of "Social Sciences"  
ikromjon4242@gmail.com

## PROBLEMS AND CHANGES IN THE TRAINING OF PERSONNEL IN THE FIELD OF HIGHER EDUCATION IN THE FERGANA VALLEY REGIONS (1991-2020)

### ABSTRACT

The article considers the changes and existing problems in the training of personnel in the field of higher education in the Fergana Valley regions of Uzbekistan during the years of independence. Also, based on the specific characteristics of the Fergana Valley, the situation in this area was studied by comparing the indicators of the coverage of young people in higher educational institutions with the average indicators in the republic.

Despite the fact that a number of positive changes were implemented in higher education institutions in the Fergana Valley regions in 1991-2016, problems in the training of higher education personnel have been highlighted. It is argued that the wide-ranging reforms that began in 2017, namely the expansion of admission parameters in the higher education system, the expansion of access to education, and the increase in the number of educational institutions through the opening of new higher education institutions in the Fergana Valley regions, as in the republic, have expanded the opportunities for young people in the valley regions to receive higher education.

**Index Terms:** Higher education, coverage of higher education, quota, bachelor's, master's, educational program.

### Долзарблиги:

Мамлакатни иқтисодий жиҳатдан тараққий топиши ва пировард натижада ривожланган давлатлар қаторидан жой эгаллаши ҳар томонлама олий маълумотли мутахассис кадрлар салоҳиятига боғлиқдир. Бунда замон талабларига жавоб берадиган, илғор билим ва технологияларни эгаллаган ёш кадрларни тайёрлашда олий таълим тизими алоҳида ўринга эга ҳисобланади. Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, ёш авлод ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш учун сарфланган сармоя жамиятга ўн, юз баробар кўп фойда келтиради[1]. Шундан келиб чиқиб мустақиллик қўлга киритилган дастлабки вақтлардан бошлаб республиканинг ижтимоий-иқтисодий соҳалари бўйича давр талабига жавоб берадиган рақобатбардош кадрларни тайёрлашга нафақат марказий шаҳарларда, балки мамлакатнинг чекка худудларда ҳам катта эътибор қаратилди.

### Методлар:

Мазкур мақолани тайёрлашда тарихий-қиёсий таҳлил, манбашунослик ёндашуви, тизимли-худудий ёндашув ҳамда статистик-маълумотларни таҳлил қилиш методларидан

фойдаланилган ҳолда, 1991-2020 йиллар давомида Фарғона водийси вилоятларида олий таълим соҳасида кадрлар тайёрлашдаги муаммо ҳамда ўзгаришлар таҳлил этилди.

#### **Тадқиқот натижалари:**

Мустақилликнинг дастлабки йилларида кадрлар тайёрлашда амалга оширилган ижобий ўзгаришлар соҳалар бўйича мутахассислар тақчиллигини бироз бўлсада олдини олишга хизмат қилди. Бироқ, ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда замонавий яхлит узлуксиз таълим тизими шакллантирилганига қарамасдан олий таълим тизими мустақиллик йилларида мамлакат иқтисодиётида бўлган туб ўзгаришларга тўлиқ мослаша олмади. Олий ўқув юртлирига киришни квоталар билан чекланганлиги меҳнат бозорини юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёж билан таклиф ўртасида узилишни вужудга келтирди[2].

Хусусан, мустақилликнинг дастлабки ўн йиллигида олий таълим муассасаларига ёшларни ўқишга қабул қилиш эҳтиёжга нисбатан юқори бўлмасда, босқичма-босқич ошириб борилди. Масалан, 1996 йилда республика олий таълим муассасаларига ўқишга 27,9 минг абитуриент қабул қилинган бўлса, 2000 йилга келиб уларнинг сони 44,7 мингга етди[3]. Яъни шу йиллар давомида республика ёшларини ўқишга қабул қилиш 60,2 фоизга ўсди. Фарғона водийси вилоятлари кўрсаткичларига эътибор қаратилса, биргина Андижон вилоятида юқоридаги йилларга мос ҳолатда 2299 нафардаг 3200 нафаргача (39 % ўсди) ўқишга қабул қилинди[4]. Бироқ кейинги йилларга эътибор қаратилса, 2006 йилда республика ОТМларига 61,2 минг абитуриент ўқишга қабул қилинган бўлса[5], 2016 йилга келиб 58022 нафар талабгор ўқишга қабул қилинди ҳолос[6]. Юқоридаги йиллар давомида олий таълимга ўқишга қабул қилинган талабалар сони ортиш ўрнига 3178 нафарга камайди. Республикада бўлгани каби Фарғона водийси олий таълим муассасаларида ҳам шундай вазиятни кузатиш мумкин.

Республика олий таълим муассасаларига қабул квоталарининг йиллар давомида деярли ўзгаришсиз қолдирилганлиги ёшларни олий таълим олиш имкониятини чеклаш билан бирга олий таълим олиш истагида бўлган ёшлар сонининг муттасил ўсиб бориши натижасида мавжуд ўринларга нисбатан танловнинг юқори бўлишига олиб келди. Мисол сифатида сўнгги ўн йилликдаги ҳолат таҳлил қилинса вазият яна ҳам ойдинлашади.

Агар қуйидаги маълумотга эътибор қаратилса, 2011 йилда республикада 100 ўринга 580,8 нафар абитуриент тўғри келган бўлса, 2016 йилга келиб 100 ўринга 1165,7 нафар абитуриентлар олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун имтиҳонларда иштирок этишди[7]. Шу йилларда республика бўйича таклифга нисбатан талаб 100,7 % га ортиб кетди. Худди шу ҳолат бўйича Фарғона водийси вилоятлари кўрсаткичларига эътибор қаратилса, хусусан, Андижон вилоятида 2011 йил 100 ўринга 852 нафар абитуриент тўғри келиб, 2016 йилда уларнинг сони 1759 нафарни ташкил этди. Юқоридаги йилларга мос ҳолда Наманган вилоятида 821 нафардан 1583 нафарга, Фарғона вилоятида 899 нафардан 1678,6 нафарга абитуриентлар сони ўсди[8]. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, юқоридаги келтирилган маълумотлар бўйича республикадаги ўртача кўрсаткичга нисбатан Фарғона водийси вилоятлари кўрсаткичи юқори бўлди. Масалан, 2011 йил бўйича республиканинг ўртача кўрсаткичига нисбатан Андижон вилояти 46,7 фоизга, Наманган вилояти 46 фоизга, Фарғона вилояти 54,7 фоизга юқори эди. 2016 йилда ҳам республика кўрсаткичига нисбатан Фарғона водийси вилоятлари кўрсаткичлари юқори бўлди[9]. Фарғона водийси вилоятлари олий таълим муассасаларига ўқишга киришга бўлган бундай юқори рақобат ўз навбатида абитуриентларнинг ўқишга кириш имкониятларини камайишига олиб келган сабаблардан бири бўлди. 2019 йилга келибгина республикадаги ўртача кўрсаткич билан Фарғона водийси вилоятлари ўртасидаги фарқ олдинги йилларга нисбатан бир мунча қисқаришига эришилди. Бу республикада бўлгани каби, Фарғона водийси вилоятлари олий таълим муассасаларида сўнгги йилларда амалга оширилаётган катта ислохотлар билан боғлиқ, албатта.

Мамлакатимиз олий таълим муассасаларига ўқишга киришга бўлган рақобатнинг кескин ўсиб боришига асосий сабаб, бу ёшларни олий таълим олишга бўлган интилишлари рўёбга чиқариш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмаганлигида бўлди. Масалан, 2011 йилда республика миқёсида олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун 423796 та

ариза топширган талабгордан 58204 нафари ўқишга қабул қилинган бўлса, 2016 йилда 672640 нафар [10] талабгордан 58022[11] нафари ўқишга қабул қилинган холос. Яъни шу йиллар давомида ўқиш истагини билдирган абитуриентлар сони 58,7 % га ўсган бўлса, ўқишга қабул қилинган талабалар 0,31 %га камайган. Олий таълим олиш истагини билдирган ёшлар сонининг ортиб боришига мос ҳолда қабул квоталарининг оширилмаганлиги олий таълим муассасаларига ўқишга кириш имтиҳонларида ҳар 100 ўринга тўғри келадиган талабгорларнинг сонининг ортишига олиб келди. Фарғона водийси вилоятларида ҳам шундай вазиятни кўриш мумкин. Ҳаттоки, Наманган ва Фарғона вилоятларида юқоридаги йилларга мос ҳолда талабгорлар сонининг ортишига қарамадан, ўқишга қабул қилиш бўйича кавоталар сезиларли равишда камайганлигини гувоҳи бўлиш мумкин. Бу, ўз навбатида, ёшларни олий таълим олиш имкониятларини чеклади.

Фарғона водийси вилоятларида ёшларни олий таълим олишга бўлган интилишларини чекланишига асосий сабабларидан яна бири, бу янги олий таълим муассасаларини фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ бўлди. Агар мустақилликнинг дастлабки йилларида, яъни 1991 йилда Ўзбекистонда 52 та олий таълим муассасалари фаолият юритган бўлса[12], 2017 йилга келиб уларнинг сони 77 тага етди[13]. Шу 26 йил вақт мобайнида мамлакатда олий таълим муассасалари сони 25 тага кўпайди. Бироқ бу ҳолат аҳоли сонининг ўсиши ва ёшларни олий таълим олишга бўлган интилишларига мос равишда бўлмади. Агар Фарғона водийси вилоятларидаги ҳолатга эътибор қаратилса, юқоридаги йилларга мос ҳолатда олий таълим муассасалари сони ортмади. 1991 йилда водий вилоятларида 9 та олий таълим муассасалари фаолият юритган бўлса, 2017 йилга келиб уларнинг сони 10 тани ташкил этди. Шу йиллар давомида Фарғона водийсидаги олий таълим муассасалари сони биттага кўпайди холос. Бу ҳолат эса Фарғона водийси вилоятлари ёшларини олий таълим олиш имкониятларини республиканинг бошқа ҳудудларига нисбатан чекланишига сабаб бўлди.

Юқорида келтирилган маълумотлардан мустақилликнинг дастлабки 26 йиллигида Фарғона водийси вилоятларида олий таълим муассасалари фаолияти ривожлантирилмади деган хулоса қилмаслик лозим. Бу йиллар давомида замон талабларидан келиб чиқиб кадрлар тайёрлаш мақсадида олий таълим муассасаларида бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, Ахборот ва компютер технологиялар бўйича мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ахборот-коммуникация ҳамда инновация технологияларини таълим жараёнига татбиқ этишни янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 июндаги “Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-91-сонли Қарори асосида Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали ташкил этилди[14]. Ушбу филиалда ахборот-технологиялари бўйича замон талабларига мос кадрлар тайёрланмоқда. Бундан ташқари, янги мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди[15]. Ихтисослиги ўзгартирилиб, янгидан ташкил этилган олий таълим муассасалари Фарғона водийси вилоятларининг замонавий соҳалар бўйича кадрларга бўлган эҳтиёжини қоплашга хизмат қилди. Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақилликнинг дастлабки чорак асри давомида Фарғона водийси вилоятларида янгидан ташкил этилган олий таълим муассасалари водий ёшларини олий таълим билан қамраб олиш бўйича кўрсаткичларини ошишига хизмат қилмади. Бунинг асосий сабаби шундаки, водий вилоятларида янгидан ташкил этилган таълим масканлари илгари мавжуд бўлган олий таълим муассасалари негизида ташкил этилганлигида эди. Шу жиҳатдан ҳам мустақилликнинг дастлабки 26 йиллигида Фарғона водийсида олий таълим муассасалари сони деярли ўзгаришсиз қолди. Бундан ташқари Фарғона водийси вилоятларидаги баъзи олий таълим муассасалари фаолияти тугатилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 30 августдаги “Андижон давлат университетида кадрлар тайёрлаш тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 192-сонли Қарорига асосан Андижон давлат тиллар педагогика институтини тугатилиб, унинг негизида Андижон давлат университетининг хорижий тиллар факультети ташкил этилди[16]. Бундай ўзгаришлар водий вилоятларида янги олий таълим

муассасаларини очишга эҳтиёж мавжуд бўлган бир даврда, фолият юритиб турган олий ўқув юртларининг тугатилиши, водий ёшларининг олий таълим олиш имкониятларини чеклади.

Мустақиллик йилларида олий таълим тизимида чекланган ва давлат томонидан қатъий белгиланган миқдор асосида шакллантирилган квоталар асосида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш амалиётига йиллар давомида риоя қилиниши оқибатида ёшларни олий таълимга қамраб олиш бўйича кўрсаткичларнинг паст бўлишига олиб келди. Бу ҳақида куйидаги жадвалда батафсил маълумот келтирилган (1.1. жадвал).

### 1.1-жадвал[17]



Юқорида келтирилган маълумотларга эътибор қаратилса, 1991 йилда республикада ёшларини олий таълимга қамраб олиш 15,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилга 9 фоизга тушиб қолди. Яъни шу йиллар давомида олий таълимга қамраб олиш 6,2 фоизга камайди. Фарғона водийси вилоятларида ҳам ёшларни олий таълим муассасаларига қамраб олиш республика кўрсаткичидан ҳам орқада бўлди. Бундай дейишга сабаб қилиб юқоридаги 100 ўринга тўғри келадиган абитуриентлар, ОТМлар сони кабиларни келтириш мумкин. Ўзбекистонда олий ва ўрта махсус таълим масканлари битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш ўтган даврда 9-10 фоиз даражасида бўлди[18]. Касб-хунар коллежлари, академик лицей ҳамда умумий ўрта таълим мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш бўйича Ўзбекистон дунёнинг ривожланган мамлкатларидан анча орқада қолди. Чунки дунёдаги ривожланган давлатлар тажрибасига қаралса, бу кўрсаткич уларда ўртача 60-70 фоизни ташкил этади[19]. Ҳаттоки, Ўзбекистон бу кўрсаткич бўйича қўшни республикалардан ҳам ортда қолди. Масалан, Ўзбекистонга қўшни бўлган Қозоғистон давлатида ёшларни олий таълимга қамраб олиш 40-50% ни ташкил этади[20].

Республикада бўлгани каби Фарғона водийси вилоятлари ёшларини олий таълимга қамраб олиш кўрсаткичларининг пастлиги, ўз навбатида, аҳолининг олий маълумотли бўлган қатлами сони камайишига сабаб бўлди. Республика ва Фарғона водийси вилоятларида аҳоли сони муттасил ортиб борди. Шунга мос ҳолатда аҳолининг олий маълумотли қатлами сони ортиши лозим эди. Лекин бундай бўлмади, аксинча, республика бўйича, шу жумладан, водий вилоятларида ҳам олий маълумотли аҳоли сони камайди[21]. Агар рақамларга эътибор қаратилса, хусусан, 1991 йилда республика бўйича ўн минг аҳолига нисбатан олий таълим муассасалари битирувчилар сони 26 нафарни ташкил этган бўлса, Андижонда бу 16 нафарни, Наманганда 11 нафарни, Фарғонада 16 нафар[22] олий маълумотли мутахассислар тўғри келган. Юқоридаги ҳолат бўйича мустақилликнинг кейинги йилларига эътибор қаратилса, аҳоли орасида олий маълумотли мутахассисларнинг сони ортиш ўрнига, аксинча, камайганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Хусусан, 2016 йилга келиб республикада ўн минг аҳолига нисбатан олий таълим муассасаларини битирувчилари сони 20 нафар, Андижон вилоятида 14 нафарни, Наманган вилоятида 10 нафарни, Фарғона вилоятида 13 нафарни

ташкил этди[23] (9-иловага қаранг). Республика бўйича аҳоли орасида олий маълумотли мутахассисларнинг сонининг камайишига биз юқорида таъкидлаганимиздек, яъни олий маълумот олиш истагини билдирган ёшларнинг сонининг ортишига қарамасдан олий таълимга қабул параметрларининг оширилмаганлиги асосий сабаблардан бири бўлди. Шу ўринда яна бир ҳолатга эътибор қаратиш лозимки, хусусан, 1991 йилда ҳам, 2016 йилда ҳам республикадаги ўртача кўрсаткичга нисбатан Фарғона водийси вилоятлари кўрсаткичлари паст бўлди.

2019 йилга келиб 2016 йилга нисбатан Андижон ва Фарғона вилоятларида ўн минг аҳолига нисбатан олий таълим муассасалари битирувчилар сони бўйича кўрсаткичлар ўзгаришсиз қолган бўлса-да, республика бўйича 1 тага, Наманган вилоятида эса битирувчилар сони 2 тага ошганлигини кузатиш мумкин[24]. Республика ва Фарғона водийси вилоятларида олий таълим битирувчиларининг сонининг ўзгаришсиз қолаётганига 2016/2017 ўқув йилигача чекланган қабул квоталари асосида ўқишга қабул қилинганлиги асосий сабаблардан биридир.

Республикада ва Фарғона водийси вилоятларида олий маълумотли аҳоли сонининг қисқариши сабаблардан яна бири бу ўрта махсус маълумотга эга бўлиб, турли ташкилот ва корхоналарда меҳнат фаолиятини олиб бораётган мутахассис кадрларнинг ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олишга бўлган интилишларини рўёбга чиқариш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмади. Аксинча, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Давлат тест марказининг, 2004/2005 ўқув йилидан бошлаб, олий таълим муассасаларининг сиртқи бўлимларига, ўқув жараёнини ташкил этиш ва кадрлар тайёрлашнинг сифати замон талабига жавоб бермаётганлиги учун, ўқитишнинг самарасиз шакли сифатида, талабалар қабулини тўхтатиш тўғрисидаги таклифлари маъқулланиб ҳукуматнинг 2004 йил 24 июндаги 294-сонли Қарори[25] қабул қилинди. Бу қарорга асосан республикада илгари мавжуд бўлган сиртқи таълим шакли тугатилди. Буни натижасида олий таълим олиш истагида бўлган, бироқ молиявий имкониятлар чекланганлиги ёки бошқа турли сабаблар туфайли ҳамда асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимларида таҳсил олиш имконияти мавжуд бўлмаган мутахассис кадрларнинг олий маълумот бўйича таълим олишга бўлган интилишларини чекланишига сабаб бўлди.

2017 йилга келиб жамият ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби олий таълим соҳасида ҳам катта ислохотларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Бунда ҳал қилинишини лозим бўлган асосий вазифалардан бири бу ёшларни олий маълумот олишга бўлган интилишларини рўёбга чиқариш, бу борада кўрсаткичларни яхшилаш орқали соҳалар бўйича республика иқтисодиётининг турли тармоқларини замон талабларига жавоб берадиган мутахассис кадрлар билан бир текисда таъминлаш яна ҳам долзарб аҳамият касб эта бошлади. Бу вақтга келиб ҳар томонлама билимли кадрлар ҳисобидан Ўзбекистонни янги тараққиёт босқичига олиб чиқиш асосий мақсадлардан бирига айланди[26].

Шундан келиб чиқиб, мустақилликнинг дастлабки чорак асри давомида олий таълим муассасаларига қабул кўрсаткичларини чекланган миқдорига чек қўйиш, республикада ва Фарғона водийси вилоятларида мавжуд олий таълим муассасаларига босқичма-босқич қабул квоталарини ошириб бориш орқали ёшларни олий таълим олишга бўлган интилишларини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида ҳукумат томонидан кўрилган аниқ чора-тадбирлар натижасида республикада ва Фарғона водийси вилоятларида олий таълим муассасаларига қабул параметрлари ошиб бормоқда. Хусусан, республика бўйича 2016 йилда олий таълим муассасаларининг бакалавр босқичига 58022 нафар ёшлар қабул қилинган бўлса, 2020 йилга келиб уларнинг сони 148114 нафарга етди[27]. 2020 йил олий таълимга қабул параметрлари 2016 йилга нисбатан 2,5 баробарга ўсди[28]. Натижада республика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар сони 2016 йилдан 279674 нафардан 2020 йилда 590077 нафарга ошди[29]. Республикада бўлгани каби Фарғона водийси вилоятларида

ҳам олий таълим муассасаларига қабул параметрлари оширилиб, таҳсил олаётган талабалар сони ортиб борди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2017 йилдан бошлаб республика ва Фарғона водийси вилоятлари ёшларини олий таълим олишлари учун қабул параметрларининг оширилиши олий таълим олиш истагида бўлган талабгорларга яратилган кенг имконият ҳисобланса-да, бироқ республикадаги ва Фарғона водийси вилоятларида фаолият юритаётган олий таълим муассасалари бу эҳтиёжни қоплаш учун етарли эмас эди. Юқорида таъкидлаб ўтилган ҳар ўн минг аҳолига тўғри келадиган олий таълим битирувчилари сони бўйича Фарғона водийси вилоятларининг кўрсаткичлари республика кўрсаткичларидан паст бўлишига ҳам асосий сабаблардан бири бу олий таълим муассасалари сони билан боғлиқ бўлди. Мустақилликнинг чорак аср давомида республикада бир нечта янги олий таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилган бўлсада, Фарғона водийси вилоятларида бундай ижобий ўзгариш деярли юз бермади. Оқибатда юқорида таъкидланганидек, водий вилоятлари аҳолисига нисбатан олий таълим муассасалари битирувчилар сони кам бўлди.

Шуларни инобатга олиб, ҳукумат томонидан 2017 йилдан бошлаб республиканинг нафақат марказий шаҳарларида, балки вилоятларда ҳам янги олий таълим муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш орқали ёшларни олий таълим олиш имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, 2016 ўқув йилида республикада 77 та олий таълим муассасалари фаолият юритган бўлса, 2020 йилнинг декабрь ойи ҳолатига кўра олий таълим муассасаларининг сони 132 тага етди[30]. Яъни шу йиллар давомида Ўзбекистонда олий таълим муассасалари сони 55 тага кўпайди. Таққослаш учун шуни келтириш мумкинки, 1991-2016 йиллар давомида республикада олий таълим муассасалари сони 48 фоизга (25 та) ўсган бўлса, 2017-2020 йиллар давомида Ўзбекистонда олий таълим муассасалари сони 71,4 фоизга (55 та) кўпайди. Республикада олий таълим муассасалари сонининг ортиши нафақат маҳаллий институт, университет ва уларнинг жойлардаги филиалари ҳисобига, балки дунёнинг ривожланган давлатларининг етакчи олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларини республикада фаолиятини йўлга қўйиши ҳамда хусусий олий таълим муассасаларининг очилиши ҳисобига ҳам ортди.

2017-2020 йилларда мамлакатда бўлгани сингари Фарғона водийси вилоятларида ҳам Республика Президенти ва ҳукуматининг тегишли қарорлари[31] асосида бир қатор янги олий таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилиши натижасида, Фарғона водийси вилоятларида олий таълим муассасалари сони ортиб бормоқда. Бу ҳақида қуйидаги жадвалда тўлиқ маълумот келтирилган (1.2. жадвал).

### 1.2-жадвал[32]



Юқоридаги жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, 1991 йилда Фарғона водийси бўйича 9 та олий таълим муассасаси мавжуд бўлган бўлса, 2020 йилга келиб уларнинг сони

19 тага етди. Эътиборлиси шундаки, ҳозирги кундаги Фарғона водийси вилоятларида мавжуд олий таълим муассасаларининг 9 таси 2017-2020 йилларда ташкил этилган олий таълим муассасалари ҳисобланади. Бу кўрсаткич бўйича охириги йилларида республикада олий таълим муассасалари сони биз юқорида келтиргандек 71,4 фоизга ўсган бўлса, Фарғона водийсида бу кўрсаткич 90 фоизга ўсганлигини гувоҳи бўлиш мумкин. Бу эса сўнгги йилларда Фарғона водийси вилоятлари ёшларига олий таълим олишлари учун яратилаётган кенг имконият ҳисобланади. Бунинг натижасида юқорида келтирилгандек, олий таълим муассасаларига ўқишган кириш 100 ўринга тўғри келадиган абитуриентлар сони 2016 йилга нисбатан республика ва Фарғона водийси вилоятлари ўртасидаги фарқни қисқаришига эришилди[33].

**Хулоса** қилиб таъкидлаш лозимки, 1991-2016 йилларда Фарғона водийси вилоятлари олий таълим муассасаларида бир қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилганлигига қарамасдан, олий маълумотли кадрлар тайёрлаш борасида ижобий ютуқлар сони кўп эмас. Шу боисдан ҳам Фарғона водийси вилоятларида умумий аҳолига нисбатан олий маълумотли кадрлар сонининг республикадаги ўртача кўрсаткичга нисбатан паст бўлди. 2017 йилдан бошланган кенг қамровли ислохотлар, айнан олий таълим тизимида қабул параметрларини кўпайтириш, ўқишга кириш имкониятини оширилиши, бундан ташқари республикада бўлганидек, Фарғона водийси вилоятларида ҳам янги олий таълим муассасаларини очиш орқали таълим муассасалари сонининг кўпайиши водий вилоятлари ёшларини олий таълим олиш имкониятларини кенгайтди.

#### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – Б. 13 (Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis. – Tashkent: Uzbekistan, 2021. – P. 13).
2. Ўзбекистонда таълимнинг ривожланиши тарихи ва тарихшунослиги. Очерклар II / Масъул муҳаррир: т.ф.д., проф. Д.А. Алимова.– Тошкент: Адабиёт учқунлари, 2017. – Б. 318 (2. History and historiography of the development of education in Uzbekistan. Essays II / Responsible editor: Doctor of Philosophy, prof. D.A. Alimova.– Tashkent: Sparks of Literature, 2017. – P. 318)
3. ЎзР Давлат статистика қўмитаси. Йиллик статистика тўплам. – Тошкент: Matrix Print, 2007. – Б. 131 (3. State Statistics Committee of the Republic of Uzbekistan. Annual statistical collection. – Tashkent: Matrix Print, 2007. – P. 131).
4. Андижон вилоят Давлат архиви. 734-фонд, 1-рўйхат, 1134-йиғма жилд, 9-варақ (Andijan Regional State Archive. Fund 734, list 1, volume 1134, sheet 9).
5. ЎзР Давлат статистика қўмитаси. Йиллик статистика тўплам. – Тошкент: Matrix Print, 2007. – Б. 131 (State Statistics Committee of the Republic of Uzbekistan. Annual statistical collection. – Tashkent: Matrix Print, 2007. – P. 131).
6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги расмий телеграм канали. <https://t.me/eduuz/4164> (12.02.2021) (Official telegram channel of the Ministry of Higher and Secondary Specialized Education of the Republic of Uzbekistan. <https://t.me/eduuz/4164> (12.02.2021)
7. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг расмий веб сайти. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/social-protection-2> (22.12.2020) (Official website of the State Statistics Committee of the Republic of Uzbekistan. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/social-protection-2> (22.12.2020)
8. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг расмий веб сайти. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/social-protection-2> (22.12.2020) (Official website of the State Statistics Committee of the Republic of Uzbekistan. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/social-protection-2> (22.12.2020)

9. 2016 йилда 100 ўринга тўғри келадиган абитуриентлар сони бўйича республикадаги ўртача кўрсаткичга нисбатан Андижон 50,8 фоизга, Наманган 35,7 фоизга, Фарғона 43,9 фоизга юқори бўлди (In 2016, Andijan exceeded the average in the republic by 50.8%, Namangan by 35.7%, and Fergana by 43.9%).

10. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг расмий веб сайти. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/social-protection-2> (22.12.2020) (Official website of the State Statistics Committee of the Republic of Uzbekistan. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/social-protection-2> (22.12.2020)

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги расмий телеграм канали. <https://t.me/eduuz/4164> (12.02.2021) (Official telegram channel of the Ministry of Higher and Secondary Specialized Education of the Republic of Uzbekistan. <https://t.me/eduuz/4164> (12.02.2021)

12. Хошимов Ў.Қ. Мустақиллик йилларида Фарғона водийси вилоятларида таълим соҳасидаги ўзгаришлар. Тарих фан. бўйича фалсафа док. (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2020. – 182 б. (Khoshimov O.K. Changes in the field of education in the Fergana Valley regions during the years of independence. Doctor of Philosophy in History (PhD) ... dissertation. – Tashkent, 2020. – 182 p)

13. Олий таълим тизими рақамларда. <http://www.erasmusplus.uz/images/shared/file/TAM%2014/4%20MHSSE%20Ulugbek%20Khodiev.pdf> (10.12.2020) (The higher education system in numbers. <http://www.erasmusplus.uz/images/shared/file/TAM%2014/4%20MHSSE%20Ulugbek%20Khodiev.pdf> (10.12.2020)

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 июндаги “Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-91-сонли Қарори. <https://lex.uz/docs/-610974?ONDATE=25.12.2021> (Хужжат 25.12.2021 йил ўз кучини йўқотган) (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan No. PP-91 dated June 2, 2005 “On improving the system of personnel training in the field of information technologies”. <https://lex.uz/docs/-610974?ONDATE=25.12.2021> (The document expired on 25.12.2021)

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 июлдаги “Наманган муҳандислик-иқтисодиёти институтини Наманган муҳандислик-технология институтига айлантириш тўғрисида”ги 212-сонли ҳамда “Андижон муҳандислик-иқтисодиёти институтини Андижон машинасозлик институтига айлантириш тўғрисида”ги 214-сонли қарорлари қабул қилинди (15. Resolutions of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated July 25, 2011 No. 212 “On the transformation of the Namangan Engineering and Economics Institute into the Namangan Engineering and Technological Institute” and No. 214 “On the transformation of the Andijan Engineering and Economics Institute into the Andijan Mechanical Engineering Institute” were adopted).

16. Андижонда хорижий тиллар бўйича мутахассислар тайёрлашнинг ярим асрлик тарихи / Масъул муҳаррир ф.ф.д., проф., М. Умархўжаев. – Андижон, 2016 – Б. 18 (Half a century of history of training specialists in foreign languages in Andijan / Editor-in-chief Doctor of Philosophy, Professor, M. Umarkhojaev. – Andijan, 2016 – P. 18).

17. Узбекистан Модернизация системы высшего образования. 2014 июн. Отчет № 88606-UZ. Документ Всемирного банка 26-бет (<http://documents1.worldbank.org/curated/en/737161501483080910/pdf/88606-28-7-2017-14-44-29-UzbekistanHigherEducationReportru.pdf>), Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги расмий телеграм канали. <https://t.me/eduuz/4164> (12.02.2021) (Uzbekistan Modernization of the Higher Education System. June 2014. Report No. 88606-UZ. Document Vsemirnogo banka page 26 (<http://documents1.worldbank.org/curated/en/737161501483080910/pdf/88606-28-7-2017-14-44-29-UzbekistanHigherEducationReportru.pdf>), the official telegram channel of the Ministry of Higher and Secondary Special Education of the Republic of Uzbekistan. <https://t.me/eduuz/4164> (12.02.2021)

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожатномаси // Халқ сўзи. 2018 йил 29 декабрь (18. Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis // People's word. December 29, 2018).

19. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожатномаси. <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-majlis-28-12-2018> (30.12.2018) (Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis. <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-majlis-28-12-2018> (30.12.2018)

20. Узбекистан Модернизация системы высшего образования. 2014 июн. Отчет № 88606-UZ. Документ Всемирного банка 25-бет (<http://documents1.worldbank.org/curated/en/737161501483080910/pdf/88606-28-7-2017-14-44-29-UzbekistanHigherEducationReportru.pdf>) (Modernization of higher education system in Uzbekistan. June 2014. Report No. 88606-UZ. World Bank document page 25 (<http://documents1.worldbank.org/curated/en/737161501483080910/pdf/88606-28-7-2017-14-44-29-UzbekistanHigherEducationReportru.pdf>)

21. Хошимов Ў.Қ. Мустақиллик йилларида Фарғона водийси вилоятларида таълим соҳасидаги ўзгаришлар. Тарих фан. бўйича фалсафа док. (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2020. – 115 б. (Khoshimov U.K. Changes in the field of education in the Fergana Valley regions during the years of independence. Doctor of Philosophy in History (PhD) ... dissertation. – Tashkent, 2020. – 115 p.)

22. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 12 февралдаги №01/4-01-19-137-сонли маълумотномаси (Reference of the State Statistics Committee of the Republic of Uzbekistan dated February 12, 2021 No. 01/4-01-19-137).

23. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 12 февралдаги №01/4-01-19-137-сонли маълумотномаси (Reference of the State Statistics Committee of the Republic of Uzbekistan dated February 12, 2021 No. 01/4-01-19-137).

24. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 12 февралдаги №01/4-01-19-137-сонли маълумотномаси (State Statistics Committee of the Republic of Uzbekistan dated February 12, 2021 No. 01/4-01-19-137. Reference No. 01/4-01-19-137 dated February 12)

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июндаги “2004/2005 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида”ги 294-сонли Қарори. (Хужжат кучини йўқотган 22.02.2021) <http://www.lex.uz/docs/800177?query=%D1%82%D0%B0%D1%8A%D0%BB%D0%B8%D0%BC> (25.06.2018) (Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated June 24, 2004 No. 294 “On admission to higher educational institutions of the Republic of Uzbekistan in the 2004/2005 academic year”. (The document lost its force on 22.02.2021) <http://www.lex.uz/docs/800177?query=%D1%82%D0%B0%D1%8A%D0%BB%D0%B8%D0%BC> (25.06.2018)

26. <http://www.uza.uz/oz/politics/vatanimizning-yuksak-mukofotlari-topshirildi-07-12-2017> (7.12.2017)

27. Ёшларни олий таълим билан қамровини ошириш. Олий таълимда қабул параметрлари (бакалавриат). <https://t.me/eduuz/4164> (12.02.2021) (Increasing the coverage of youth with higher education. Admission parameters in higher education (bachelor's degree). <https://t.me/eduuz/4164> (12.02.2021)

28. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4057> (13.01.2021) (Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis. <https://president.uz/uz/lists/view/4057> (13.01.2021)

29. Олий маълумотли кадрлар тайёрлаш. Талабалар сони. <https://t.me/eduuz/4158> (15.02.2021) (Training of highly educated personnel. Number of students. <https://t.me/eduuz/4158> (15.02.2021)

30. Олий таълим муассасалари сони. <https://t.me/eduuz/4158> (15.02.2021) (Number of higher educational institutions. <https://t.me/eduuz/4158> (15.02.2021))

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “Ўзбекистон санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиалини ташкил этиш тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 сентябрдаги “Латвиянинг ахборот тизимлари менежменти олий мактабининг Фарғона шаҳридаги филиалини ташкил этиш тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 сентябрдаги “Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг Қўқон филиалини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2020 йил 26 августдаги “Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институтини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорлари ва бошқалар (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated August 16, 2017 “On the establishment of the Fergana regional branch of the Institute of Arts and Culture of Uzbekistan”, Resolutions of the President of the Republic of Uzbekistan dated September 26, 2018 “On the establishment of a branch of the Latvian Higher School of Information Systems Management in Fergana”, Resolutions of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated September 22, 2018 “On the establishment of the Kokand branch of the Tashkent State Technical University named after Islam Karimov”, Resolutions of the Andijan Institute of Economics and Construction dated August 26, 2020 “On the establishment of the Andijan Institute of Economics and Construction”, etc)

32. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Йиллик статистика тўплам. – Тошкент: Matrix Print, 2007. – Б. 129. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси. Йиллик статистик тўплам. – Тошкент: Тараqqiyot ИГН, 2015. – Б. 107. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги расмий телеграм канали. <https://t.me/eduuz/4158>. (State Statistics Committee of the Republic of Uzbekistan. Annual statistical collection. – Tashkent: Matrix Print, 2007. – P. 129. State Statistics Committee of the Republic of Uzbekistan. Annual statistical collection. – Tashkent: Taraqqiyot IGH, 2015. – P. 107. Official telegram channel of the Ministry of Higher and Secondary Specialized Education of the Republic of Uzbekistan. <https://t.me/eduuz/4158>).

33. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг расмий веб сайти. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/social-protection-2> (22.12.2020) (Official website of the State Statistics Committee of the Republic of Uzbekistan. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/social-protection-2> (22.12.2020))

# ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 7 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 8, НОМЕР 7

LOOK TO THE PAST

VOLUME 8, ISSUE 7

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)

ООО Tadqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000